

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 3



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-3>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммаед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммаед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Жеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

| | |
|---|-----|
| 1. Yulbarsov Ochilbek Obidjon o'g'li KORPUS TAHLILI ASOSIDA KORONAVIRUS (COVID-19) SO‘ZINING LEKSIK-SEMANTIK TADQIQI..... | 5 |
| 2. Jabborov Erkin Xolliyeovich TASVIRIY SAN‘AT TA‘LIMIGA OID KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK MAZMUNI..... | 10 |
| 3. Шукурова Азиза Хайруллоевна САРИОСИЁ ТОЖИК ЛАҲЖАЛАРИДА ТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЛЕКSIK-SEMANTIK ХУСУСИЯТЛАРИ..... | 15 |
| 4. Ювашева Шоира Махамадовна ПЕРЕВОДЧЕСКИЙ АСПЕКТ КУЛЬТУРНО-МАРКИРОВАННОЙ ЛЕКСИКИ..... | 21 |
| 5. Tagaeva Sayyora Ulashevna, Urazqulova Aziza HOZIRGI ZAMON NEMIS TILI LINGVO DIDAKTIK SISTEMASIDA INGLIZ TILIDAN O‘ZLASHTIRILGAN ATAMALAR VA ULARNING STRUKTUR SEMANTIK ХУСУСИЯТЛАРИ..... | 26 |
| 6. Лизахан Уразмбетова АКТЁРЛЫҚ ШЕБЕРЛИГИН ӨЗЛЕСТИРИЎДЕ ГҮЗЕТИЎ ШЫНЫҒЫЎЛАРЫ..... | 31 |
| 7. Yuldasheva Dilshoda Musayevna FRANZ BOAS, EDWARD SAPIR AND LEONARD BLOOMFIELD AS FOUNDERS OF AMERICAN STRUCTURALISM..... | 35 |
| 8. Nuritdinova Shahnoz Sadridinovna BOLALAR SHE‘RIYATIDA BADI‘Y IFODA AN‘ANASI VA TAKOMILL..... | 40 |
| 9. Комила Мамадиёрова ПОЭТОНИМЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ..... | 47 |
| 10. Минхожиддин Ҳожиматов МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИДА ҚАДРИЯТ, АНЪАНАЛАР ВА ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ..... | 53 |
| 11. Shukurov Uktam Baxodirovich EXPLORING THE IMPACT OF MOTIVATION AND PROFICIENCY ON PRAGMALINGUISTIC AWARENESS IN SECOND LANGUAGE LEARNING..... | 63 |
| 12. Лазиза Джиянбаева РАНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ СТЕРЕОТИПЛАРНИНГ ТИЛ БИРЛИКЛАРИГА ТАЪСИРИ..... | 67 |
| 13. Khalova Maftuna Abdusalomovna, Kayumova Gulsanam Sadrididdin qizi IN THE STORY "HELP TELEPHONE" BY KHAYRIDDIN SULTONOV. REFLECTION OF LIFE EVENTS..... | 75 |
| 14. Shamsiyeva Gulshoda Asliddin qizi LINGUISTIC BASIS OF PARALLEL CORPUS IN THE CREATION OF MT MODELS FOR UZBEK-ENGLISH LANGUAGES..... | 81 |
| 15. Nazokat Kuvondiq qizi Sadullayeva, Barnoxon Abdulazizovna Pulatova ABDULRAZZOQ GURNAHNING “PARADISE” (“JANNAT”) ROMANIDA DINIY VA DUNYOVIY MUSHTARAKLIK..... | 87 |
| 16. Ziyadullayev Abubakir Ibodulla o'g'li ALFRED DE MYUSSENING “ASR FARZANDINING DIL IZHORI” ASARINING POETIK TAHLILI..... | 92 |
| 17. Абулкасимова Нодира Мирзакаримовна ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ЭВФЕМИЗМОВ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ..... | 96 |
| 18. Gulchehrahon Rahmanova OILADA BOLALAR MULOQOT MADANIYATINI TARBİYALASHNING MAVJUD HOLATI..... | 102 |

| | |
|--|-----|
| 19. Bumatova Aidaxon Merganovna HOFIZ: PIRI MUG‘ON BANDASI..... | 108 |
| 20. Фозилжон Шукуров ТЕМУРИЙ ҲУКМДОРЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАҲР АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ РИВОЖИ..... | 113 |
| 21. Mirzoyeva Yulduz Yusup qizi BADIY JANRLAR TAHLILI (“MING BIR KECHA” ASARI SHE’RIY MATNLARI ASOSIDA)..... | 120 |
| 22. Xasanova Gulrux Xayrullayevna NOVERBAL VOSITALARNING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISHI..... | 125 |
| 23. Озодаҳон Мусаева ЭРКИНОЙ СУЛТОНОВА ШЕЪРЛАРИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ТАДҚИҚИ..... | 129 |
| 24. Умитой Хушвақтова ЁЗУВЧИ ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ АСАРЛАРИДА ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР..... | 139 |
| 25. Минхожиддин Хожиматов ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТУЙҒУСИНИНГ ФАЛСАФИЙ – ТАРИХИЙ ТАЛҚИНИ..... | 146 |
| 26. Исмоил Хусаинов САМАРҚАНД БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ МУСИҚА САНЪАТИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ..... | 154 |
| 27. Abdullayeva Shahnoza Rahimjon qizi FUNCTIONAL ANALYSIS OF REPRESENTATION AND DISTRIBUTION OF THE MEANING IN CONTEXT..... | 161 |
| 28. Saidova Rayhon Bekmurodovna QADIMGI SHARQ VA G‘ARB ADABIYOTIDA SHE'RSHUNOSLIK HAQIDAGI QARASHLARNING O‘ZIGA XOSLIKLARI..... | 166 |
| 29. Ачилова Озода Фарходовна БУЙРУҚ МАЗМУНИДАГИ МАҚОЛЛАРИНИНГ МАЗМУН КЎЛАМИ ВА ИФОДА УСУЛЛАРИ (япон ва ўзбек тиллари мисолида)..... | 171 |
| 30. Sajid Valiya Valappil O‘ZBEKISTONDAGI Z AVLODINING KUNDALIK HAYOTIDA TIL DINAMIKASI TAHLILI: KOD ALMASHTIRISH VA JARGON (SLENG)..... | 176 |
| 31. Soatova Yulduz BOBUR SHE’RIYATIDA “GO‘ZALLIK” TUSHUNCHASINING YUZ TASVIRI ORQALI IFODA ETUVCHI VOSITALARNING LEKSIK-SEMANTIK TAHLILI..... | 183 |
| 32. Malika Islamova TELEVIDENIYEDA TELEPRODYUSERNING FUNKSIYASI: ASOSIY YO‘NALISHLARI, IJODIY HAMDA MOLIYAVIY BOSHQARUVI..... | 189 |
| 33. Nurmuxammedov Yusuf Shakarboyevich TURLI TIZIMLI TILLAR FRAZEOLGIK BIRLIKLARIDA GAVDALANGAN “TAQDIR” KONSEPTINING KONSEPTUAL TAHLILI..... | 194 |




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Минхожиддин Ҳожиматов,
филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИДА ҚАДРИЯТ, АЊЪАНАЛАР ВА ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.13235214>

АННОТАЦИЯ

Ҳар бир давр ва замон табиий равишда маълум миллат руҳи ва характерида ўзига хос муҳит зарбларини, яхши-ёмон белгилари изларини қолдиради. Ўз ўрнида миллий руҳ ва характердаги кўринишларига қараб, бирор давр ва муҳитга тарихан аниқ ташхис қўйиш, унинг ўсиш ва таназзул нуқталарини аниқлаш, баҳолаш мумкин бўлади. XX аср 20 – 30 йиллари ўзбек адабиётида миллий қадриятлар ва аъёналар сарчашмаси бўлмиш халқ оғзаки ижоди – фольклорга мурожаат қилиш етакчи омиллардан бирига айланди. Фольклор асарларидаги сўз ўйинлари, аъёнавий образлар, мажозий характерлар орқали ҳақиқатни бир оз пардалаб айтиш мумкин эди. Миллий ўзига хослик, миллий характер, миллий руҳнинг шаклланиши ҳар бир халқ ҳаёт тарзи, тарихда босиб ўтган йўли, руҳан сўниш ва руҳан юксалиш жараёнлари билан боғлиқ. Шу даврда яратилган шеърини асарларда жаҳолат остонасида турган халқнинг қалб оғриқларини, дарду изтиробларини, қувончу армонларини, руҳиятини янада ёрқинроқ акс эттиришга интилиш кучайди. Мазкур мақолада миллий руҳ ва миллий характер шаклланишида қадрият, аъёналар ва фольклор асарларнинг бадиий – эстетик талқини, маърифий – фалсафий аҳамияти Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Боту, Ғафур Ғулум ва Ҳамид Олимжон асарлари мисолида тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар. тарих, миллий ўзлик, юрт, қадрият, эртақ, аъёна, кўшиқ, достон, удум, бадиий тафаккур, жамият, миллий уйғониш.

Минхожиддин Ҳаджиматов,
доктор философии
по филологических наукам (PhD)

ЗНАЧЕНИЕ ЦЕННОСТЕЙ, ТРАДИЦИЙ И ПРОИЗВЕДЕНИЙ ФОЛЬКЛОР В ФОРМИРОВАНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО ХАРАКТЕРА

АННОТАЦИЯ

Каждая эпоха и время, естественно, оставляет в душе и характере определенной нации свои атмосферные татуировки, следы признаков добра и зла. В зависимости от проявлений национального духа и характера на его месте можно будет исторически точно диагностировать эпоху и среду, определять, оценивать точки ее роста и упадка. В узбекской литературе 20-30 – х годов XX века одним из ведущих факторов стало обращение к фольклору-

народному устному творчеству, представляющему собой смесь национальных ценностей и традиций. Через игры в слова, традиционные образы, образные характеры в фольклорных произведениях можно было сказать правду с некоторой завуалированностью.

Формирование национального самосознания, национального характера, национального духа связано с образом жизни каждого народа, пройденным им в истории путем, процессами духовного угасания и духовного подъема. В поэтических произведениях, созданных в этот период, усилилось стремление ярче отразить душевную боль, боль, радость, духовность народа, стоящего на пороге невежества. Художественно - эстетическая интерпретация, просветительско – философская значимость произведений Абдулхамида Сулейман оглы Чулпана, Боту, Гафура Гулама и Хамида Олимджана в формировании национального духа и национального характера была исследована в данной статье.

Ключевые слова. История, национальное самосознание, земля, ценность, сказка, традиция, песня, эпос, удум, художественная мысль, общество, национальное пробуждение.

Minhajiddin Hajimatov,
philological Sciences
doctor of Philosophy (PhD)

THE SIGNIFICANCE OF VALUES, TRADITIONS AND WORKS OF FOLKLORE IN THE FORMATION OF NATIONAL CHARACTER

ANNOTATION

Every period and time the natural approach of the nation is known for its spirit and character characteristic of the golden environment, Yahshi Yeoman Belgilari stands out in the carpet. According to the National Zinc and the nature of the Karabakh countries, different epochs and the environment can be accurately diagnosed, a point assessment of decline and degradation is the most accurate. In the 20 – 30s of the twentieth century, Uzbek literature was a national treasure and a traditional source of folk Aghzak ijodi folklore. Folklore in the works of burns, traditional images, and major characters can be spread throughout the country. This verse says that people who disbelieved in Allah and on the last day after the death of the Prophet (peace and blessings of Allaah be upon him) performed prayer, fasted, performed prayer and performed prayer. Throughout his life, yaratylgan was a poet and poet-poet of Turgan, as well as a poet-poet, a poet-theorist, a poet-theorist, a poet-theorist, a poet-theorist, a poet-theorist, a poet-theorist, a poet-theorist, a poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist, poet-theorist. This article examines the national spiritual and national moral significance, traditions and folklore of the works of artistic and aesthetic talkini, educational and philosophical significance of Abdulhamid Suleiman oglu Cholpon, Botu, Ghafur Ghulam and Hamid Olimjon, for example, works.

Key words. History, national identity, land, value, fairy tale, tradition, song, epic, udum, artistic thinking, Society, National Awakening.

Миллий характернинг шаклланишида ўша халққа мансуб қадрият ва анъаналар, халқ оғзаки ижоди намуналари, фольклор дурдоналари муҳим роль ўйнайди. Зеро, буларнинг барчаси мужассам бўлгани ҳолда миллий руҳ ва миллий ўзига хосликни шакллантиради. Миллий ўзига хосликнинг асоси бўлган миллий характер ҳар бир халқ маънавий тараққиётидаги минг-минг йиллик ҳаёт тарзи билан боғлиқ. Бинобарин, ҳар бир халқ шартли равишда турли мураккабликлар, эрк ва озодлик учун курашлар, зиддиятлар йўлини босиб ўтади. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, “Маълумки, эл – юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча – қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён - у ғалаба ёки мағлубият бўладими – барча

– барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур. ”[1]

Айнан шу маънода мазкур тарихий жараёнларда, турғунлик, ўсиш, кенгайиш, чекланиш, тараққий топиш каби ўзгаришлар рўй беради. Кўриниб турибдики, ҳар бир давр ва замон маълум миллат руҳи ва характерида ўзига хос муҳит зарбларини, яхши-ёмон белгилари изларини қолдирар экан. Ўз ўрнида миллий руҳ ва характердаги кўринишларига қараб, бирор давр ва муҳитга тарихан аниқ ташхис қўйиш, унинг ўсиш ва таназзул нуқталарини аниқлаш, баҳолаш мумкин бўлади. “Халқ мавжуд ва доим ҳаракатда, меҳнатда, курашда, бошқа эл-юртлар билан қандайдир муносабатда экан, унинг ўзигагина оид хислатлар, одатлар, туйғулар, хулқ-атвор ҳам кўникмалар тўхтовсиз ривож топа боради. Худди шу узундан-узок кечмишга миллат-элатларни биродарлаштирувчи халқчилликнинг, умумбашарий эзгуликларнинг тарихи ҳам деб қарамоқ даркор”.[5]

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқлар ва миллатлар табиатида зоҳир бўлган миллий характерга хос кўринишларнинг намоён бўлиши, у босиб ўтган йўл, яшаган тузум, унинг иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, маданий тамойилларига ҳам боғлиқ бўлади. Зеро, мавжуд тузум ва даврларнинг мафкура ва талаблари, қонун-қоидалари маълум халқ миллий руҳига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

XX аср ўзбек шеърлятида миллий қадриятлар ва анъаналар сарчашмаси бўлмиш халқ оғзаки ижоди – фольклорга мурожаат қилиш етакчи омиллардан бирига айланди. Фольклор асарларидаги анъанавий образлар орқали ҳақиқатни куйлаш мумкин эди. Атоқли сиёсатшунос олим, профессор Н.Жўраев тўғри таъкидлаганидек, “Қадриятлар муайян миллат ва халқларнинг шонли ва мусибатли ўтмиши, тарихий – маданий тажрибалари, сабоқлари, сурур ва бахтиёр дамларининг ифодаси сифатида намоён бўлса, урф – одатлар, расм – русум ва маросимлар турмуш тарзининг шаклий кўринишлари сифатида халқ ҳаётининг маънавий – ахлоқий негизларини ташкил этади. Қадриятлар ҳамиша муайян фаолиятлар тарзида намоён бўлиб, кишиларнинг воқеликка бўлган муносабатлари мазмунини ифода этади ҳамда уларнинг феъл – атворлари, саъй – ҳаракатлари йўналишларини белгилайди ”.[6]

Айнан халқ ва миллат руҳи ва характеридаги мана шу жараёнлар ўша давр адабиёти ва шеърлятида ҳам ўз муҳрини қолдирди. Зеро, адабиёт, хусусан шеърлят ҳамиша замон билан ҳамнафасдир. Гарчи собиқ иттифок даври мафкуравий тазйиқлари таъсирида ҳаётдаги реал воқелик, кўпиртирилиб, ёлғон ҳақиқатлар байроқ қилинган ҳолда бадий ифода этилган асарлар, шеърлар анчайин салмоқли қисмни ташкил этса-да. Халқ руҳидаги эврилишлар, қалбидаги зирқираш ва оғриқлар, изтироблар, кураш ва исён руҳи ҳамиша бадий асарлар, миллий характерлар моҳиятида намоён бўлаверган.

Ўтган аср 20 – 30 йилларда ўзбек шеърлятида миллий руҳият ва миллий кайфиятни ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат қилиш тенденцияси кучайди. Профессор Ж.Эшонқулнинг фикрича, “Ҳар бир халқ қиёфаси, феъл – атвори, тафаккури, руҳияти ва савияси энг аввало унинг оғзаки ижодида акс этади. Тафаккур тарихи ва тараққиёт босқичлари оғзаки ижод намуналарида намоён бўлади. Фольклорда халқнинг дунёни, ўзини билиш ва англаш сари қўйган қадамлари, жараёнлари мужассамдир”.[7]

Фольклордаги чуқур халқчиллик, мажозийлик шоирлар асарларига ҳам кўчди. Чўлпон, Фитрат, Боту, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби шоирлар турли тасвирий услублардан кенг фойдаланишди. Халқ оғзаки ижоди даврнинг пешқадам адиблари адабий – эстетик концепциясини белгилайдиган асосий поэтик воситалардан бирига айланди. Авлодлар руҳиятида, онгу шуурида улуғ аждодлар қони ва сабоқларининг таъсирини кучайтириш, таъсир доирасини кенгайтириш мақсадида фольклор намуналаридан фойдаланади. Уларда илгари сурилган ғоялар жамиятнинг маънавий, ахлоқий, этик – эстетик тақомилида муҳим аҳамият касб этди. Ҳамид Олимжон “Алпомиш” достонига ёзган кириш сўзида айтганидек, “Халқ доим яратади. Халқ ўз бошидан энг қора кунларни кечириб турган бир вақтида ҳам яратади, ижод қилади. Реакциянинг энг қора йилларида меҳнаткаш халқ орасида юз берган ҳар қандай интилиш, бўғзидан бўғилиб турган кунларда ҳам халқ яратар, куйлар эди. Халқ

бундай вақтларда ўз хаёлини узоқ асрларга қаратар, озод турмуш хаёти билан тасалли топар ва ўз фантазиясида ўзига маъкул кўринган дунёни жонлантириб қарар эди”.[8]

Абдулҳамид Чўлпон “Ой қўйнида” шеъри учун шафтоли ҳақидаги халқ қўшиғини эпиграф қилиб олади. Мунгли кўшиқ, оҳангнинг ички изтиробни романтик туйғуларга бой бўлиб, шоирнинг ҳасратлари, армонларини, рухий оламини ифодалаб туради:

*Шафтоли келинчак,
Унинг қўйнида мен тентак...
Мен боғингга кирмасдан
Одоқ бўпти емасдан.
Мунча тўлиб йиғлайсан
Мен қўйнингга кирмасдан?!*

(Халқ қўшиғи)

Рамзли маънодорлик китобхонни ўйга толдиради. Қалбга яқин, маҳзун кўшиқ оҳангида шафтолининг барги билан суҳбатлаша бошлайди. Барг - бурдаланиб кетган кўнгил қаъридаги ҳақиқатларни дарж этади.

*Бир томчи тўкилган ёш учун шунча сўлишми?
Бу боғчада гул кўп эди, сўлди амалимдек!
Кўнгилда бирор шарпани сезсам эди гулдек,
Ўлганда – да сен менда кўрардинг севинишни!*

Бир томчи тўкилган ёш шунчалар аламим эдики, шоир уни ҳеч кимга кўрсатгиси келмайди. Зимистон тун, хатто қурт – қумурскалар ҳам сукунат оғушида. Олис осмондаги ойнанинг гувоҳлиги етарли. Инсон кўнгил – руҳонияти кўкка интилади, осмондан андоза олгиси келади. Ой – эрк, эркинлик, чексизлик тимсоли бўлиб туюлади.

*Шафтолида ой нурини кўргач яна рухим,
Ойлар каби ёш даврига суқлар каби боқди.
Ёшлик ўзи севгинг каби, тортилмади бир зум,
Бир зум ўзи, бир гул ўзи... дўзах каби ёқди!*

Зимистон тун қўйнида *Шафтолида ой нури* ни кўрмоқ руҳни янгилайди, поклайди. ... *дўзах каби ёқди!* деган фикр фақат шафқатсиз тафаккур меваси эмас, балки алам юрагини ўртаётган шахснинг буткул борлиғи, унинг маънавий – психологик ҳолатининг ифодасидир. Шеърдаги шиддаткор драматизм шоир қалбида чуқурлашиб бораётган ассоциатив мушоҳадакорликнинг, аёвсиз сўроқларнинг кўпайиб, кучайиб бораётганлигини англатади:

*Мендан сўра: ёлғиз мана мен алданиб ўтдим,
Ҳар саҳфаси, ҳар япроғи “алдаш” бу китобнинг!
Бир ўққа илинмасми, тилинмасмиди жонинг?
Ой қўйнида тонг отгунча сенга шуни айтдим...*

Мендан сўра: ёлғиз мана мен алданиб ўтдим, дейди шоир ўкинч билан. Бу саволлар қуруқ риторика ёки баландпарвозлик эмас. Армонлардан бошланиб, қалб зарблари ва исёнига уланиб кетади. Унинг наздида Ой – кўзгу. Кўзгунинг қаршисида аччиқ бўлса ҳам, азобли бўлса ҳам тилга фақат ҳақиқат чиқади. Лирик қаҳрамонга ҳам ўзининг ёлғизлигини, ҳам алданганини тан олиш осонми? “Ой” ва “шафтоли” метафораси даврнинг ижтимоий манзаралари билан бирга лирик қаҳрамоннинг ўзликка ва эрка интилиш қиёси сифатида китобхонни мулоҳазага чорлайди.

“Чўлпоннинг шаклланишида нафақат отаси, балки “Ёрқиной” пьесасининг бағишловида тилга олинган “тотли ва бой тили билан эртақ айтиб бериб, шу асарнинг ёзилишига сабабчи бўлган кампир она” ҳам муҳим роль ўйнаган”, [9] деб ёзади академик Н.Каримов. Шоирга болаликда эшитган эртақлари ўзгача руҳ ва илҳом беради. Унинг “Дўст ва душман” шеърда кўзи билан бўрининг азалий баҳсига гувоҳ бўламан. Анъанавий бўри ва кўзи образлари орқали ёвузлик ва зулмни кўрсатади. Олимларнинг фикрича, “Ҳайвонлар ҳақидаги ўзбек халқ эртақларининг персонажлари одамлар каби сўзлашишларидан ташқари, уларнинг характер - хусусиятларида ҳам кишиларга хос вафодорлик ва вафосизлик,

сотқинлик ва садоқат, дўстлик ва душманлик, самимийлик ва худбинлик, хокисорлик ва айёрлик сингари инсонларга хос сифатлар мавжуд бўлади”.[9]

Бўри айтур: “Эй Марғуб, кўзичокни менга бер,

Шунда сени мактарман: Марғуб - ботир, Марғуб – шер!”

Кўзи айтур: “Эй Марғуб, у бўрига ишонма,

Унинг ҳеч бир сўзига, эсинг бўлса, алданма!

Бизнинг болалик чўпчакларимизда ҳамиша бўри ёвузлик, кўзи эса кўрқоқлик ва адолатсизлик курбони бўлган. Мазкур шеърда муаллиф кўзи образига янгиича қараш, янгича муносабат билан ёндашади. Биз маълум анъанавий эртақлар ва масаллардан фарқли ўлароқ, кўзи бўрига дадил – дадил қаршилиқ кўрсатиб, Марғубга шундай деяпти:

Икковимиз дўст бўлиб далаларда юрамиз,

Келди давру даврон деб ҳур оила қурамиз!..”

Кўзининг жасорати китобхоннинг туйғуларига эмоционал таъсир ўтказди. Шеърнинг мушоҳадалиқлик, жозибадорлик ва фалсафийлик тамойилларини таъминлайди. Ёвузлиги ва йиртқичлиги билан ҳамиша устунликка эришган бўри осонгина енгилмоқчи эмас, у ўзининг характерли хусусиятлари билан ажралиб туради:

Бўри айтур: “Эй Марғуб, мен кўп яхши одамман,

Номим фашист, оғзим қон, бош кесишга бардамман.

Сенга калла кесишни, қон тўкишни ўргатай,

Кўзиларга жанг очиб, майдонда от ўйнатай!”.

Жамиятда одамлар ўртасида шундай саволлар учрайдики, унга жавоб топиш осон эмас. Марғуб ёш бўлса-да, бўрининг ёлғонларига учмайди, бўридан кўркмай, зулмга қарши бош кўтаради:

Марғуб айтур: “Эй бўри, сен душмансан, сен олчоқ!

Менинг севган дўстимсан, эц барралик кўзичок!...”

Шеър маъносини кучайтириш, таъкид, эстетик таъсирчанликни ошириш, фикр қамровини кенгайтириш, ўқувчи қалбида завқ уйғотиш, унинг бадий дидини ўстириш мақсадида жонсиз ва жонли нарсаларга инсон табиатига хос хусусиятларни кўчириш орқали турли бадий – маърифий, рухий манзаралар яратилди. А.Фитрат айтганидек, “Бир сўзни ўз маъносидан бошқа бир маъно учун ишлатилмагидир. Шул шарт биланким, бу ики маъно орасида ўхшатишдан бошқа бир турли яқинлик, байланиш бўлсун”.[3]

Миллий ўзига хослик, миллий характер, миллий руҳнинг шаклланиши ҳар бир халқ ҳаёт тарзи, тарихда босиб ўтган йўли, руҳан сўниш ва руҳан юксалиш жараёнлари билан боғлиқ. Жаҳолат остонасида турган халқнинг қалб оғриқларини, дарду изтиробларини, қувончу армонларини, руҳиятини янада ёрқинроқ акс эттиришга интилиш кучайди. “Каптар” шеърини ўзбек аёли ҳаётининг типик манзараларини, ўй ва кечинмаларини ўзига хос усулда ифода этиши жиҳатидан муаллиф ижодида бир кўтарилиш бўлди, деб ҳисоблаш мумкин:

Эй, денгизнинг сувларидан қудрат олган ботир қиз,

Кел,шундоғи тутқун қизга ёлборайлик иккимиз.

Сен сувларнинг кўпигидан оқ чечаклар терганда,

Сен қиличдан илҳом олиб кун чиқишда юрганда,

Сенинг билан бирга чопган, бирга учган оналар,

Нима учун бу тутқунлик оловида ёналар?

Аслида “Каптар” каби мукамал бадий асар шоирнинг воқеликка ғоявий – эстетик муносабатининг яққол исботидир. Характер ва муҳит, олам ва одам ўртасидаги зиддиятлар баъзан умр бўйи давом этади. Муаллиф осмонни, озодликни чексизликни ҳамма нарсадан устун кўргувчи каптар тимсолида аёлнинг ўзига хос рухий оламида кечаётган мураккаблиқларни ҳаққоний тасвирлайди.

Чўлпон, Фитрат каби маслакдошлари қаторида Боту ҳам бутун борлиғи билан муттасил равишда. Туркистон ёшларини дунё микёсида таълим – тарбия олишга, улуғ аждодлардан мерос эзгу қадрият ва анъаналарни қадрлашга, асрашга даъват қилди. Профессор А.Алиевнинг фикрича, “Ботунинг аксари шеърлари ёшларга аталиб ёзилган ва уларнинг

хаммасида ёшларни ўқишга, ишлашга, ҳаракатга, ғайратга чақирилади, истиқболдаги бахт айни шу тарзда яратилади, деган мантқиқ уларнинг моҳиятини белгилайди. Шоирнинг “Ўгут”, “Тўлқиним”, “Севинч куйлари” ва шу каби шеърларида ҳам ёшларни муттасил ҳаракат қилишга, тебранишга, югуришга, интилишга чақирилади”. [10] Боту “Кучли борлиқ, сирли дунё...” деб бошланувчи шеърини “*Эски йўлда, эски куйда ёзилди*”, дейди. Шеър шундай яқунланади :

Мен яшаш майдонида кўрқиб курашданми қочай?
 Ёвга ёв бўлган амалга мен ўзим нурми сочай?
 Қанча ғавғо, қанча савдо кулса кулсин, бир кўрай,
 Кўнгилга кўнглимни қайд этган тилақдан ўргилай!

Курашдан кўркмаслик, мудом эзгулик ва эрка интилиш Боту шеърятининг ўк илдизига айланади. У халқ ижодининг бошқа жанрларини ҳам кенг ўрганади, айниқса, халқ кўшиқларидан, ривоят ва эртақлардан ўринли фойдаланади, уларга катта бадиий вазифа юклайди. Ботунинг “Танланган асарлар”идан ўрин олган “Гулёр” шеърига шундай изоҳ берилган: “Бу шеър “Гулёр” халқ кўшиғи оҳангида ёзилган. Миллий истиқлолчилар 1921 йилда қамоқдан озод қилинган Мунаввар қорини шу кўшиқни айтиб кутиб олганлар”. [4]

Қуш уяси бузилди,
 Аҳд иплари узилди,
 Ўзга тузук тузилди.
 Ин бузилгач қуш кетди,
 Аҳд иплари узилгач,
 Мен йўқсилдан эс кетди.

Доно халқимизнинг “Қушнинг ҳам уяси бузилмасин”, деган мақоли бежиз айтилмаган. Уя – мажозий маънода Ватанни англатади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “тузук” сўзи шарҳининг вариантларидан бири “қонун, низом” эканлиги айтилган:

Тузук II *тар. ҳуқ.* Қонун – қоидалар тўплами; низом. *Амир Темур тузуклари*. [11]

Ватан бузилгач, жамият аъзоларининг меҳр ва аҳд иплари узилди. Яъни, юртни “Ўзга тузук”лар, миллат қадриятларига мос келмайдиган қонунлар, низомлар бошқара бошлади. Кечагина ҳамманинг кўзини қувнати, гуллаб – яшнаётган ўлка “қоп – қоронғи зиндон” каби

Қоп – қоронғи зиндонга
 Сени кучлаб солдилар,
 Мени Мажнун қилдилар;
 Сен яшарсан зиндонда,
 Севмадигинг бир ёвуз
 Зиндончининг қўлинда...

Бу даврда нафақат ҳаётдаги миллатга хос характер билан бадиий ижоддаги миллий характер уйғунлигини таъминлаш, балки янги миллий характер соҳиби бўлган бадиий характерларни яратиш давр учун ниҳоятда зарур эди. Ана шу маънода бу даврда яратилган Ботунинг “Тоғ қизи”, “Ўтмишдан бир эртақ” каби асарларидаги миллий характер, миллат тафаккури, янги маърифий фазилат, ўзгариш, ирода, янгилик, курашчанлик ва яратувчанлик халққа янги миллий руҳни ато этди.

Миллий қадриятлар, миллий тафаккур, халқ оғзаки ижоди, фольклор ва анаъаналар таъсири остида шаклланган миллий ўзига хослик бадиий ижодда аввало миллий характерда намоён бўлади. Негаки ҳаётда ҳам бадиий ижодда ҳам миллий характер миллийлик таркибида ҳамма вақт муҳим ва салмоқдор ўрин эгаллайди. Адабиётшунос Г. И. Ломидзе ўзининг “Миллий характер проблемаси” номли мақоласини «Миллий характер тушунчаси миллий спецификанинг таркибий элементи саналади» деган фикр билан бошлаганида минг карра ҳақ эди.

Достонлар Ҳамид Олимжон ижодида алоҳида аҳамият касб этиб, улар халқ ўртасида кенг тарқалган эртақлар асосида яратилган. Муаллиф кўнглидаги улкан ғояларни билдириш

учун эртақнинг равон ифода усули ва кучли таъсиридан фойдаланади. “Ойгул билан Бахтиёр” достонида шундай дейди:

Жамбил деган томонда,
Жуда қадим замонда.
Куллар исён қилдилар,
Жангга кириб қўшинлар,
Урушиб ою кунлар,
Дунёни қон қилдилар,
Тинчлик тугаб оч элда,
Мамлакат қолди селда.

Ҳамид Олимжон миллат руҳининг ифодачиси сифатида эртақ воситасида “элда тинчликнинг тугагани, мамлакатнинг сел ичида қолгани” га ишора қилиб ўтади. Тинчлик нафақат ўзбек халқи, балки бутун иноният учун энг олий қа дриятдир. Бинобарин, кадрятлар нафақат халқнинг тарихи, балки нсоннинг инсон сифатида ўзини англаши, ўз – ўзини ҳимоя қила олишининг ҳам муҳим омилидир. Академик Н.Каримовнинг фикрича, “Замондошларнинг нақл қилишича,Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижодини бениҳоя севган ва пухта билган. ...Умуман, Ҳамид Олимжон ижоди фольклорсиз бу қадар халқчил ва бу қадар рангин бўлиши маҳол эди”. [12]

Бадий ижоднинг устувор мавзусига айланган миллий характер бу давр шеъриятига нафақат бир мамлакат, балки дунё адабиёти миқёсида яшовчанлик, курашувчанлик руҳини ато этди. Айнан мана шу миллий характер, йиллар давомида миллатнинг қон-қони, жон-жонига ўтиб бориб, қалбларда истиклол руҳини камолга етказди. Миллат ҳаётида ҳар бир ўзгариш, ҳар бир юксалиш, ҳар бир уйғонишда биз ана шу миллий характерни намоён бўлишини кўрамиз. Бинобарин, ”... ўзига хос анъаналар билан умуминсонийликнинг қонуний бирлигини, миллий характернинг ижтимоий шароитга боғлиқ тараққиёти билан унинг кишилиқ тарихидаги ролини адолатли идрок қилмай туриб, сўз санъати фазилатларини, ижодкор ёки бадий асар қаҳрамонлари туйғуларини анализ қилиш ўринсиз.” [5] Ҳамид Олимжоннинг маҳорати шундаки, у эртақ мазмунини дostonнинг умумий сюжет тўқимасига шударжада заргарона сингдириб юборадик, натижада жафокаш халқнинг асрий орзулари фольклоризмнинг ранг – баранг кўринишларида янгидан жилоланади. “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” достонида шоир Бунёднинг тилидан шундай дейди:

Бунёд сенга эл эмас,
Эл бўлганни дев емас.
Сен бир офат эмишсан,
Зўр қабоҳат эмишсан,
Одамизоднинг ёви,
Ўғлонларнинг гўркови
... Бошинга етажакман,
Ўлдириб кетажакман.

“Халқ ижоди – фольклорнинг ҳозирги шоирларимизга ҳам таъсири кучлидир. Фольклор устида ишлар экан, “Алпомиш”дай бир улуғ дostonни ишлаб чиқиб, босмага тайёрлар экан, ана шу иш жараёнининг ўзи ҳам шоир Ҳамид Олимжоннинг ижодига кучли таъсир қилди” [1], деган эди Ғафур Ғулом. Адабий қаҳрамон характерининг миллийлик даражаси унинг халқ руҳига, ҳаёт ҳақиқатига, тараққиётнинг етакчи тенденцияларига мослиги билан белгиланади. Бундай хусусиятлар санъаткорона сингдирилган бадий асаргина умуминсоний фазилатлар билан янада ёрқинлашади. Азал – азалдан тўй маросимларида айтиладиган лапарлар, айтишувлар ва аскияларда халқ донишмандлиги ёрқин намоён бўлади. Уларда юрт тарихи, эрк ва озодлик учун кураш, турли табақа одамлари орасидаги зиддиятлар, орзу армонлар қалб туғёнлари чуқур ва атрофлича ёритилган. “Дўмбиранинг мактови” шеърида шоир куй – қўшиқ энг оғир дамларда ҳам халқимиз учун руҳий мадад, энг азиз кадрят эканлигини айтади:

Айланса-да рангим сариқ сомонга,

Сени чалдим, хор ўлмадим, ёмонга

Фольклор нурлари билан ёғдуланган бадий матнда ҳар бир сўз ўз ўрнига тушиб, жилोलаниб, китобхон қалби шуурига ёруғлик олиб кириши, уни мулоҳазага ундаши лозим. Халқ оғзаки ижоди ҳақиқий ижодкор учун ранг – баранг образлиликнинг, воқеликнинг ёрқин ифодаси ва туганмас бойлиги вазифасини ўтайди. Унда ўтмишнинг, бугун ва истиқболнинг барча қирралари, ички моҳияти акс этади. Олимларнинг фикрича, “Миллийлик қаҳрамоннинг ҳаракат, дунёқараш тарзида, психологияси, одатлари, хулқ-атвори ва бошқа томонларида вужудга келиб, иккинчи жиҳат шу асосдан униб чиқади. Миллийлик бадий образнинг асоси ва манбаидир. Образнинг бадий - эстетик баҳоси, инсониятга тегишли пафоси унинг ўқувчини маънавий озиклантирувчи, руҳлантирувчи ва ишонтирувчи миллий қиёфасига боғлиқ” [2]. Мустабид тузум собиқ иттифоқ деб аталмиш катта ҳудудда миллион – миллион халқларни асоратда, тутқунликда ушлаб турди. Зўравон мафкура халқни миллийлигидан, қадим илдизларидан, миллий қаҳрамонларидан мосуво қилишга, маънавий забунликда сақлашга қанчалик уринмасин, исёнкор шеърят турли усулларда ўзининг ҳақ сўзини айтишда давом этди. Айнан шу жараёнда ҳақиқатни турли рамз ва ифодалар, образлар, тарихий қаҳрамонлар тимсолида айтиш маҳорати шаклланди. Ғафур Ғуломнинг “Мадрид кўшиқлари” шеърининг дебوحасида массагетлар маликаси, халқ озодлиги учун курашган миллий қаҳрамонимиз Тўмарис ҳақидаги афсона ёдга олинади:

Кайхусрав ўлганда уни одамлар:

- Умрингда қон ичиб тўймаган мия,
Мана энди абадул – абад тўй, - дея,
Бош косасин қонга чўмган эканлар.
Тарихий бўлсин деб қонга тўлдирмай,
Сотқин генералларнинг бош косасида.
Мадрид милислари қичқириб нидо
Халқнинг соғлиғига ича олур май.

Шоир халқ меҳрини қозонган эрқарвар Тўмариснинг босқинчи Кайхусравга қарши курашини, эзуликнинг ёвузлик устидан ғалабасини эслатиш воситасида бугунги олам ва одам дунёқарашини, бутун ички оламини очиб ташлашга эришди. Адабиётшунос Т.Матёкубованинг фикрича, “Ғафур Ғулом ўз асарларида халқ ижодига, унинг ўлмас анъаналарига халқимизнинг орзу – истаклари нуқтаи назаридан ёндашади. У даврнинг муҳим масалаларини акс эттиришда оғзаки ижодга суянди ва халқимизга манзур бўладиган асарлар ярата олди. Буни биз шоир шеърятини мисолида яққолроқ кузатишимиз мумкин. Ғафур Ғулом шеърятини фольклорнинг таъсири аввало, халқано руҳ ва оҳангда кўринади. Унинг “Моҳигул”, “Олма отди”, “Кимга не келур”, “Муҳаррам”, “Она қизим Жамилага” каби қатор шеърларида халқ кўшиқларига яқин сатрларда давр руҳи акс эттирилган” [3]

Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Боту, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби шоирлар ижоди миллий руҳ, миллий характерлар асосида янги маърифатпарварлик ҳаракатининг характерли белгиларини бадий намоён этди. Айнан улар шеърятининг қат – қатида жаҳолатга қарши кураш, маърифатни, ватанпарварликни, миллий бирликни шарафлаш ғояси зоҳир эди. Улар миллатни ич - ичидан кемираётган иллатларни, инсонни маънавий кашшоқликка маҳкум этувчи жоҳилиятни қораладилар. Миллий уйғониш руҳини ёйдилар.

XX аср ўзбек шеърятинидаги миллий характер ҳар доим халқчиллиги, қаҳрамонлар руҳиятидаги ижобий хислатларнинг миллат қалбидаги туғма фазилатлар ила уйғунлиги билан жаралиб туради. Зеро, адабиёт, шеърятда яратилган миллий характер нафақат ўзбек миллати манфаатига мослик даражаси билан, балки қардош халқлар кўнглига монандлиги, улар ҳаёти ва тафаккурига файз, илҳом бериши билан ҳам қадрлидир. Миллий характернинг замонавийлиги миллат спецификасида “уйғотувчилик” руҳи нафақат ўзбек халқи руҳи, ифтихорини баланд кўтарди, балки минтақа, олис ҳудудлардаги туркий қавмлар орасида ҳам эъзоз ва қадр топди. Зеро, бу қадр моҳиятида юксалиш ва тараккий этиш даъвати мужассам эди. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, “Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Дунёдаги айрим сиёсий

марказлар томонидан баъзи ҳудудларда сунъий равишда беқарор вазият юзага келтирилмоқда, норозилик кайфиятлари авж олдирилмоқда. Айниқса, бугун тобора чуқурлашиб бораётган глобал иқтисодий инқироз турли фитналар учун янада қулай шароит яратишини унутмаслигимиз лозим” [4].

Жамиятда айнан бир шахс индивидуаллиги баробарида миллий характер намоён бўлгани каби, бадиий образ ҳам индивидуал ва ўз ўрнида миллий характер бўлиб гавдаланади. Бадиий ижодда адабий қахрамон маълум жамиятда яшовчи халқнинг орзу-умиди, матлаби, зехни, дунёқараши ва қиёфасини белгиловчи миллий характерни ғоявий-бадиий акс эттиради.

Б. Ризонинг фикрича, “Фақат олтмишинчи йиллардан кейингина адабиёт ва санъат асарларида мажозий шаклда қайтадан ўзини тиклашга уринди. Зоҳиран Шўро тузумининг хизматида бўлган, қалбан эса ўз халқининг ушалмаган орзу – ниятлари билан яшаган, илғор фикрли зиёлилар – олимлар, адиблар, санъат аҳли ўз асарларида халқни уйғотишга хизмат қиладиган, мавжуд тузумнинг душманига айлантормаса-да, унинг ёвуз бағрида ўзлигини сақлаб қолишига ёрдам берадиган ғояларини ифодалашга уриндилар” [5]. Турли миллат қахрамонларининг умуминсоний туйғулари ранг-баранг миллий характерлар орқали юзага чиқади. Ҳар бир қахрамон характер илдизлари тўппа-тўғри унинг ўз миллийлигига бориб тақалади ҳамда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Миллий ўзлик миллий қахрамон табиатида баландпарвоз туйғуларнинг такрори ёхуд нусхаси бўлиб қолмайди, аксинча, миллий рухнинг бадиий - фалсафий моҳиятини ифодалайди. Унда умумбашарийлик билан миллийликнинг зич диалектикаси ўзаро тўла-тўқис сингишган ҳолда аниқ манзаралар яратади. Гап бутун инсониятга хос туйғу, фазилат ва тасаввурларнинг қайси халқ характерида, қай ҳолда ва қандай намоён бўлишида. Миллатнинг фақат ўзига хос бўлган алоҳида белгилари қаторида унинг умуминсоний жиҳатлари ҳам ҳамма вақт миллийдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий ўзлик туйғусининг янги бадиий – эстетик, фалсафий – маърифий қирраларини кашф этиш ижодкордан истеъдод, салоҳият билан бир қаторда ҳиссий тафаккурни, мукамал лисоний – адабий илм ва маҳоратни талаб қилади. Шоирлар ижодида миллий ўзига хослик юрт тарихи, кўнгил кечинмалари, жамият воқеликларининг муштараклигида намоён бўлади. Кучли бадиият, фикрий теранлик, ранг – баранг услуб воситасида миллий ўзлик туйғусининг ёрқин ва жозибador намоён бўлиши янги авлодларни ҳам ҳайратга солишда давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. Б.- 288.
2. Салимов О. Янги Ўзбекистон давлати. Т.: “Маънавият” нашриёти, 2023.
3. Фитрат А. Танланган асарлар. Адабиёт қоидалари. Т.: “Маънавият”, 2006.
4. Боту М.Х. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият”, 2020.- Б.42.
5. Шермуродов Т. Миллий ва умуминсоний мансублик. <https://www.e-adabiyot.uz/maqola/546>).
6. Жўраев Н.. Вақт ва фазо. Т.: “Маънавият”, 2020. –Б.474.
7. Эшонқул Ж. Миф ва бадиий тафаккур. Т.: “Фан”, 2019. –Б.75.
8. Алпомиш. Ҳ.Олимжон. Сўзбоши. Т.: Ўздавнашр, 1957. –Б.3.
9. Мирзаев Т., Турдимов Ш., Жўраев М., Эшонқулов Ж., Тилавов А., Наралиева Ш. Ўзбек фольклори. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2021. Б.-117.
10. Алиев А.. Маънавият, қадрият ва бадиият. Т.: “Академия”, 2000.- Б.564 – 565.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005.- Б.165.
12. Каримов Н. Ҳамид Олимжон. Т.: “Ёш гвардия” нашриёти, 1979.- Б.151.
13. Ғуллом Ғ. Асарлар. 8-ж. Т.: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976.- Б.67.
14. Матёкубова Т. Т.: “Фан ва технология ” нашриёти, 2005.- Б.12.
15. Ризо Б.. Қадди ва қадри баланд Ватан. Т.: “Маънавият” нашриёти, 2009. Б.- 76.

16. Юсуф Хос Хожиб / Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
17. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2008. Б.-187.
18. Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Тошкент.: “Ўқитувчи”, 2012.
19. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент.: “Фан”, 1979.
20. Шарипова Л. XX асрнинг 70 – 80 йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризмлар. :Филол. Фан. Номз. ...дис.автореф. Т.: 2008. – 26 б;
21. Абдурахмонов А. Ўзбек шеърлятида нур, ранг ва руҳият тасвири поэтикаси. (анъана ва новаторлик асосида). Филол. Фан. Б-ча фалс. Д-ри. ...дис.автореф. Фарғона 2018.
22. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърляти бадий тафаккури тадрижининг ижтимоий – психологик хусусиятлари. (DSc) автореф. Т.2017, - 88 б.
23. Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. Т.: Навоий, 2000.
24. Шарипова Л. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърляти бадий тараққиятида фольклор. Филол. Фан. Док.. ...дис.автореф. Т.: 2019. – 38 б;
25. Ҳайитов А. 90 – йиллар ўзбек лирикасида анъана ва бадий изланишлар. номз. автореф. Т.: 2004. – 26 б.
26. Курбонбоев И.А. 90 – йиллар ўзбек шеърлятида образлилик. номз. дисс. Т.: 2005. – 133 б.
27. Акромов Б Шеърлят гавҳари. (Лирикада образ муаммоси). Т.,: Адабиёт ва санъат, 1979. - 183 б.
28. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. Т.: “Фан”, 1994.
29. Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. Т.: Ғ.Ғулом, 2003. – 72 б.
30. Курт Н.К. Отражение национальной специфики в произведениях.Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. М.: 2016, № 4. С.583 585.
31. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. М.: Наука, 1959.
32. Ларин Б.А. Эстетика слова и язык писателя. Л., 1974.
33. Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – М.: 1977.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000